МЕХАНИЗАТОР, ТЕРИМГА ПУХТА ТАЙЁРЛАН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 162 (3644).

18 АВГУСТ

ЖУМА

1967 ИЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

МУРОЖААТ МАЪҚУЛЛАНДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистоннинг илғор механик-ҳайдовчилари республикадаги барча механизаторларга, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата қабул қилган ва шу йил 16 августда газеталарда босиб чиқарилган мурожаатини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига мурожаатни механизаторлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ўртасида кенг муҳокама қилиш ҳамда машина теримини намунали ўтказиш учун, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг қизитиш таклиф этилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига пахтани машинада териш сохасидаги илғор тажрибани пропаганда қилишни кучайтириш, илғор механик-ҳайдовчиларнинг чақириғига жавобан ёзилган мақолаларни ва пахта теримини механизациялаш билан боғлиқ бўлган бошқа материалларни газеталарда муттасил равишда босиб чиқариш ва радио орқали эшиттириб бориш топширилди.

ХИРМОН БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

Оққўрғон районидаги Ленин номли колхознинг давлатга пахта ва каноп пояси сотиш планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан белгилаган

ТАДБИРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитетининг секретариати Оққўрғон районидаги Ленин номли колхознинг юбилей йилида давлатга пахта ва каноп пояси сотиш планларини муддатидан илгари бажариш, мамлакатга пландан ортиқча кўплаб маҳсулот етказиб бериш юзасидан белгилаган тадбирларини қараб чиқди ва маъқуллади.

Район партия комитетларига Ленин номли колхознинг тадбирларини ҳамма хўжаликларда муҳокама қилишни ташкил этиш ва колхоз-совхозларга юбилей йилида қишлоқ хўжалигига маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш юзасидан ана шундай тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни тавсия этиш вазифаси топширилди.

Бизнинг колхозимиз меҳнаткашлари барча совет кишилари қаторн Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Хўжалигимиз кўп тармоқлидир. Пахтачилик, лубчилик ва чорвачилик колхозчиларимиз иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди.

Юбилей йилида «оқ олтин» ҳосилдорлигини оширишни ўзларининг асосий мақсадлари қилиб қўйган пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштириш йўлида эрта баҳордан бўён ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари ҳозирги кунга келиб ўзининг қувончли самараларини кўрсатмоқда. Ҳамма пахта пайкалларида ғўза нормал ривожланяпти. Гектарлар тўла, кўчат бут, хар туп ғўзада ўртача 7—8 тадан тўқ кўсак ҳосил бўлган. Барча пахта майдонлари уч марта комплекс ишловдан чиқарилди.

Деҳқонларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг пахта теримига пухта ҳозирлик кўриш тўғрисидаги қарорига ва республикамиз бир группа илғор механизаторларининг Мурожаатига жавобан, долзарб мавсумга ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Айниқса, машина теримига тайёргарликни кучайтирганмиз. Ҳозир мавжуд пахта териш машиналари мавсумга тўла шай бўлиб турибди. Ғўза дефолиациясини 1 сентябргача тугаллашга қарор қилдик. Бунинг учун ҳозирдан замин яратиляпти.

Машина теримини ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларимизга кўра, юбилей йилида етиштирилган ҳосилнинг камида 90 процентини машиналар билан йиғиб-териб олишимиз керак. Пахтакорларимиз давлатга «оқ олтин» сотиш йиллик планини 16 иш кунида бажаришга аҳд қилганлар. Шунингдек, давлатга пландан ташқари камида 350 тонна пахта етказиб беришни ҳам қўзда тутаяпмиз.

Юбилей йилида ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олган лубкорларимиз ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли ҳозирги пайтга келиб барча майдонларимизда мўл «кўк олтин» ҳосили етиштирилди. Лубкорларимиз каноп ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик билан киришиб кетдилар. Шу кунларда бу масъулиятли иш авж олдириб юборилган. Биз етиштирилган каноп ҳосилини қисқа фурсатда ўриб-йиғиб олишимиз, уни луб қилиб қайта ишлашимиз ва давлатга сотишимиз лозим.

Партия ва ҳукуматимиз кишилар меҳнатини енгиллаштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Конструкторлар, инженер-техник ходимлар ва ишчилар яратиб берган «ЛС» маркали янги ўрим машинаси лубкорларнинг меҳнатини анча енгиллаштирди, илгариги «НП-9» агрегатига нисбатан ишчи кучларини икки баравар кам сарф этиш имконини берди.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейи шарафига лубкорларимиз давлатга 18 минг 370 тонна аъло сифатли каноп пояси етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Улар ана шу юксак мажбуриятни бажариш учун ҳар гектар ердан 135 центнердан «кўк олтин» ҳосили олишлари лозим. Даладаги ҳосил бу мажбуриятни тўла қоплай олади. Биз етиштирилган ҳосилни чамалаб кўриб, социалистик мажбуриятларимизни қайтадан қараб чиқдик ва каноп пояси сотиш планини 20 сентябрга қадар бажариш, планга қўшимча равишда камида 1000 тонна «кўк олтин» етказиб беришга қарор қилдик. Планни белгиланган муддатда бажаришга эришишимиз учун кунига ўрта ҳисобда 450 тоннадан каноп пояси тайёрлашимиз керак. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Лубкорларимиз бу йил 1287 гектар ерда каноп пояси ва 80 гектар ерда уруғлик каноп етиштирдилар. Баҳорда экиш-тикиш ишлари қулай агротехника муддатларида ўтказилди ва экин барча майдонларда бир текис унднриб олинди. Мавжуд 14 та бригаданинг ҳаммасида каноп парвариши юқори агротехника қоидалари асосида олиб борилди. Гарчи ўрим-йиғимни бошлаб юборган бўлсак ҳам, лубкорларимиз каноп парвариши давом эттиришаяпти. Ўримга киришилмаган карталар қондириб суғорилмоқда. Колхозимиз мутахассислари ҳар бир бригадада, ҳар бир картада техника ва ишчи кучларидан унумли фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Уруғлик каноп экилган майдонларда ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Унинг ҳар гектаридан камида 4 центнердан уруғлик олишни мўлжаллаб турибмиз. Бу майдонлардаги ҳосил 5 сентябрдан бошлаб ўриб йиғилади.

Мавжуд ўрим техникамиз тўла ремонтдан чиқарилиб, ишга тушириб юборилган. Ҳар бир агрегатга етарли миқдорда ишчи кучлари биркитиб қўйилган. Машиналарнинг бетиним ишлашини таъминлаш мақсадида ҳамма участкаларга механиклардан ташқари колхоз правлениеси ва партия комитетининг аъзолари ҳам биркитиб қўйилган. Улар жойларда меҳнатни намунали ташкил этишга амалий ёрдам бермоқдалар.

Лубкорларни моддий рағбатлантириш мақсадида пландан ташқари топширилган ҳосилнинг 50 процент қийматини қўшимча ҳақ тариқасида беришга қарор қилдик.

Колхозимизда кам куч ва маблағлар билан кўп ҳосил, катта даромад олишга эришиш мақсадида тежамкорликка жиддий эътибор берилмоқда. Агар колхозчилар моддий пул маблағларини иқтисод қилиб қолсалар, тежалманинг 25 процентн уларга қўшимча ҳақ тариқасида берилади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳам бир қанча тадбирларга амал қиляпмиз. Далада меҳнат қилаётган ҳар бир кишн ўз меҳнати натижасидан қандай манфаат кўришини олдиндан билиб туради. Меҳнатга ҳақ тўлашда бундай тартибларни жорий қилганлигимиз ҳозирнинг ўзидаёқ қувончли натижалар бермоқда.

Колхоз партия ташкилоти агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар ва лекторлар ёрдамида меҳнаткашлар ўртасида катта оммавий-сиёсий ишларни амалга оширмоқда. Барча агитация ва сиёсий-тарбиявий ишлар колхоз олдида турган вазифалар билан чамбарчас боғланган. Бу вазифалар эса аниқ ва равшан: колхозчиларимизга Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйини катта тўёналар билан кутиб олишлари учун барча имкониятларни ишга солиш зарур.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти далада ишлаётганларга барча қулайликларни яратиб бермоқдалар. Бу эса юбилей йилидаги мажбуриятларимизни шараф билан бажаришимизда катта имкониятлар очади.

В. КИМ,
Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз раиси.

К. КОГАЙ,
партия ташкилотининг секретари.

В. ЛИ,
бош агроном.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



ОҲАНГАРОНдаги 9-шахта коллективи кончилар байрами кунини муносиб совғалар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Кончилар йил бошидан бери планга қўшимча равишда 1500 тонна кўмир қазиб чиқариб истемолчиларга жўнатдилар. Айни пайтда 20 минг сўмлик маблағни иқтисод қилиб қолдилар. Бу ютуққа навалоотбойчи Эрмат Бойматов ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Суратда: Бойматов ва пешқадам кончи Э. Бойматов.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТУҲФА

Чирчиқдаги 160-трестга қарашли «1-Чирчиққимстрой» бошқармаси қурувчиларн янги-янги бинолариии қўлдан чиқармоқдалар. Шаҳар Черёмушкасида 500 тамошабинга мўлжалланган қишки кинотеатр, Оққовоқ посёлкасида 300 ўринли поликлиника қад кўтарди. Бу ҳар иккала бинода сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Н. Бокай, Т. Белова, К. Усачёвалар кунлик топшириқнн ортиғи билан бажариб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Қўлнгул бинокорлар кинотеатр ва поликлиникани яқин орада фойдаланишга топширишади. Бу уларнинг Октябрь байрамига туҳфаси бўлади.

М. МИРСУЛТОНОВ.

ЎН МАМЛАКАТ ЎРГАНМОҚДА

Сабзавот етиштиришга бағишланиб, Молдавияда бошланган халқаро семинар энди республикамизда давом эттирилди. Семинар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти томонидан чақирилди. Семинар қатнашчилари — Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Кипр, Ливан, Непал, Польша, Судан, Югославия вакиллари суғориладиган ерларда сабзавот етиштираётган Ўзбекистон илмий тадқиқот институтлари эришган муваффақиятлар ва илғор хўжаликларнинг тажрибаси билан танишдилар.

Чет эллик мутахассислар ўсимликшунослик институтида лекциялар тинглайдилар. Тошкент ва Самарқанд областларидаги сабзавотчилик хўжаликларида бўладилар. Семинар программасида машҳур ўзбек қовунларини етиштираётган полизчиларнинг тажрибасини ўрганиш кўзда тутилган.

Семинар беш кун давом этади.

(ЎзТАГ).

МУРОЖААТДАН РУҲЛАНИБ

Куни кеча газета саҳифаларида Ўзбекистондаги илғор механик-ҳайдовчиларнинг республикамиздаги барча механик-ҳайдовчиларга, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата чиқарган Мурожаатини совхозимиз механизаторлари зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдилар. Унда республикамиздаги барча механизаторлар каби бизнинг фикримиз ҳам тўла ифода этилган. Звеномиз аъзолари йил бошиданоқ ғўза пайкалларида мўлжалдаги ҳосилни олиш учун етарли кўчатлар бўлишини таъминладилар. Қатор ораларини машиналарга мос қилиб ўстирдик, бирон туп бегана ўтни қолдирмадик. Яқинда мутахассислар, тажрибакор деҳқонларимиз хўжалигимиздаги ҳамма карталарни кўздан кечириб чиқишди. Қайси пайкалда қачон дефолиация ўтказишни ҳам белгилаб олдик. Улар звеномиз ерларида мўлжалдаги ҳосил борлигини кўриб хурсанд бўлишди.


Бу йил она-Ватанимизнинг 50 йиллик саноси нишонланадиган кунда республикамиздаги механизаторлар 1.500 минг тонна оқ олтин дурдонасини «зангори кема»ларда теришга аҳд қилганликларини эшитиб биз ҳам ана шу улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшишга қарор қилдик.

Мен ўзим илғор механизаторларнинг чақирғанидан илҳомланиб пахта териш мавсумида 180 тонна «оқ олтин»ни пўлат агрегатлар бункеридан тўкишга сўз бердим. Яқин кунлар ичида ўз агрегатимни теримга шай қилиб қўяман. Шу билан бирга дастлабки кундан бошлаб «зангори кема»нинг унумли ишлашини тўла таъминлайман.

М. ДАВЛЕТОВ,
Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатори.

Умумхалқ байрамига — Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган кувончли кунларда биз механизаторларга, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига, «Узсельхозтехника» ходимларига мурожаат қиламиз: юбилей йили ҳосилини машинада теришга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш учун ҳар бир киши ўз постида унга тааллуқли бўлган барча ишни бажонидил бажарсин. Мана шу жуда катта давлат аҳамиятига эга бўлган ишга биз барча кучимизни, маҳоратимизни, тажрибамизни, қобилиятимизни, ғайрат-шижоатимизни сафарбар этайлик!

(Республиканинг илғор механик-ҳайдовчилари Мурожаатидан).



БЎКА районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози механизаторлари республикамиз илғор механик-ҳайдовчиларининг Мурожаатини қизғин кутиб олдилар. Улар терим агрегатларидан самарали фойдаланиб колхоздаги умумий ҳосилнинг 97 процентини «зангори кема»лар билан териб олишга аҳд қилдилар. Сўзига амал қилаётган механизаторлар шу кунларда терим агрегатларини ремонт қилишни тезлаштирмоқдалар. Суратда: колхознинг ремонтдан чиқарилган терим машиналари.

А. Тўраев фотоси.

МАКТАБЛАР СЕНТЯБРГА ТАХТ

Область халқ маорифи ходимлари ва жамоатчи ташкилотлари Совет ҳокимиятининг шонли эллик йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, мактаб ва бошқа болалар муассасалари қурилиши ҳамда ремонтини муддатидан олдин тамомладилар.

Областдаги мавжуд 772 мактабдан 202 таси капитал ва 567 таси жорий ремонтдан чиқарилди. Мактаблар ҳузуридаги 49 та интернат, шунингдек 45 та мактабдан ташқари болалар муассассаси ремонти ҳам тугалланди.

Мактабларда инвентар ва кўргазмали ўқув қуроллари ремонти тугалланди. Мактаблар ва ўқитувчилар квартиралари учун йиллик эҳтиёжнинг 70 процентн миқдорида ёқилғи тайёрланди.

Шу йилнинг 1 августига қадар колхозлар ҳисобига қурилган 1400 болага мўлжалланган учта мактаб биноси фойдаланишга топшири л д и. 4160 ўқувчига мўлжалланган 104 та қўшимча синф хоналари қуриш ишлари ҳам муваффақиятли тугалланди. Капитал ремонт маблағлари ҳисобларига 2040 ўринли синфхоналар қурилди.

Ҳозир 2448 ўқувчи ўрнига эга бўлган учта янги мактаб биноси ва 2800 ўринли қўшимча синф хоналари қурилишини 1 сентябргача тугаллаш тараддуди кўрилмоқда.

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда Бекобод райони ва Бекобод шаҳри жамоатчилиги ибратли ташаббус бошлаб берди. Бу шаҳар ва районда мактаблар 10 июлгача тахт қилиб қўйилди. Янги мактаб бинолари қурилди.

Бу йил мактаблар ремонти ишига кенг жамоатчилик яқиндан ёрдам берди. Калинин районидаги Собир Раҳимов номли, «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозлари; Бекобод районидаги 1-«Далварзин», «Чаноқ» совхозлари ҳамда Дзержинский номли колхоз; Оржоникидзе районидаги Киров номли, «Коммунист», Бўка районидаги Мичурин номли колхозларнинг оталиқ ёрдами катта бўлди. Бекобод шаҳридаги Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекхиммаш», «Чирчиқсельмаш» ва бошқа заводлар коллективлари ҳам катта ҳиммат кўрсатдилар.

Ҳозир жойларда мактаб ёшидаги болаларни рўйхатга олиш қизғин бораётир.

Область мактабларининг педагогика коллективлари янги ўқув йилини хартомонлама шайланиб кутиб олмоқдалар.

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ СОЮЗЛАРАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

16 августда Тошкент области касаба союзларининг союзлараро V конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда касаба союзлар Тошкент область Советининг иши тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди. Бу ҳақда облсовпроф раиси Г. К. Ҳайдарова доклад қилди. Шунингдек ревизия комиссиясининг доклади ҳам тингланди. Бу ҳақда ревизия комиссияси раисининг ўринбосари К. Г. Бокальчук доклад қилди.

Конференцияда касаба союзлари область совети ва ревизия комиссиясининг янги составн ҳамда Ўзбекистон касаба союзларининг IX съезди ва СССР касаба союзларининг XIV съездига делегатлар сайланди.

(Конференция иши ҳақидаги тўла ҳисобот газетамизнинг павбатдаги сонида босилади).

ТЕЗИСЛАР—ОММАГА

СИЁСИЙ АХБОРОТЧИЛАР

Колхоз партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларнинг таъсирчан ва мазмундор бўлиши учун курашмоқда. Ана шу мақсадда зарур тадбирлар амалга оширилаётир.

Бу ерда ҳамма колхозчилар саводхон. Демак, ҳар ким, ҳар бир деҳқон, газета ва журналларни мустақил равишда ўқиб у ёки бу масала юзасидан фикр юритаолади. Шундай бўлгач, агитатор томонидан газета ва журналларнинг шунчаки ўқиб берилиши кўпчиликни қаноатлантирмайди. Колхоз партия ташкилоти ана шуни ҳисобга олиб оммавий-сиёсий ишларни жонлантиришда сиёсий ахборотлардан фойдаланишга катта эътибор бермоқда.

Колхозда етарли билимга эга бўлган коммунистлардан 20 киши сиёсий ахборотчи қилиб тасдиқланди. Партия бюросида улар билан суҳбат ўтказилиб, асосий вазифалар нималардан иборат эканлиги тушунтирилди.

Сиёсий ахборотчилар колхозчилар ўртасида ҳар ойда кам деганда 2—3 марта суҳбат ўтказиб турадилар. Суҳбатларда Ватанимизда, чет элларда рўй бераётган муҳим воқеалар ҳақида ахборот берилади. Шундан кейин савол-жавоб уюштирилади. Сиёсий ахборотчилар кейинги пайтда, айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясига бағишланган Тезисларини колхозчилар ўртасида тушунтиришга катта эътибор бермоқдалар. Улар Тезисларга асосан «Кучимиз халқлар дўстлигида «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқимизнинг етакчи кучи ва раҳбари» темаларида қизғин суҳбат ўтказдилар.

Колхозда идеология ишининг турли хил формаларидан фойдаланилмоқда. Бу ерда лекция пропагандасига ҳам эътибор кучайтирилган. Колхозда «Билим» жамиятининг қишлоқ группаси ишлаб турибди. Группанинг 25 аъзоси колхозчилар орасида сиёсий, илмий билимларни мунтазам равишда ёймоқда. Улар ҳам бригада ва чорвачилик фермаларида бўлиб, Тезислар юзасидан қатор лекция, ва суҳбатлар ўтказишди.

Утган ойда ҳаммаси бўлиб 33 дан ортиқ лекция ўқилди. Бу лекцияларни 1500 дан ортиқ колхозчи тинглади. Пропагандист — сиёсий ахборотчилардан З. Иброҳимов, Д. Дўсмбоев, Ғ. Пирматов, И. Валихонов ва бошқа ўртоқларнинг лекцияларни мазмундорлиги билан тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Колхозга область ва район ташкилотларидан ҳам лекторлар келиб туради. Жумладан, «Билим» жамиятининг аъзоси, илмий ходим М. Имомқориевнинг «Хотин-қизлар — коммунизмнинг актив қурувчиси» деган темадаги лекцияси жуда кўп киши қатнашди. Лекциядан сўнг аёллар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан саволларга жавоб олдилар. Ўртоқ Г. К. Ксензовнинг «Исроилнинг яқин Шарқдаги агрессияси муносабати билан Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги лекцияси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Колхознинг «Коммунизм» участкасида Тезисга онд савол-жавоб кечаси уюштирилди. Кечада район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири А. Мақсудов, «Суръат» газетаси редакторининг ўринбосари Р. Довутбеков, район партия комитетининг инструктори А. Минзафаров, район соцнал-таъминот бўлимининг мудири Б. Ниёзов ўртоқлар саволларга жавоб бердилар.

Сиёсий-оммавий, агитация ва пропаганда ишларининг кучайтирилиши колхозчиларни янги-янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Улар юбилей шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Узбекистон» колхози.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИГА



ИНҚИЛОБ БЕШИГИ

Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи илгари Урта Осиё бош темир йўл устахонаси бўлиб, Тошкентда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаларини таъминлашда тарихий роль ўйнаган. Ушандан буён орадан салкам 50 йил вақт ўтди. Шу давр ичида корхона ҳар жиҳатдан ўсди, юксалди. Қудратли техника билан жиҳозланган замонавий йирик заводга айланди.

Яқинда корхонада уч авлод вакиллари: инқилоб кунларида қўлга қурол олиб курашган боболар, корхонанн кафтида вояга етказган ишчилар, оталар жасоратини мерос қилиб олган ёшлар тўпланишди. Улар завод тарихи музейининг очилишига бағишланган тантанага йиғилган эдилар.

Митингни завод партия комитетининг секретари К. Г. Гнездилов очди. Революция ва меҳнат ветерани А. И. Бочаров, комсомол комитетининг секретари Ш. У Еқубов, республика маданият министрининг ўринбосари И. М. Федоренко митингда сўзга чиқиб корхона тарихига оид шонли лавҳаларни ҳикоя қилиб бердилар. Заводда узлуксиз 50 йил ишлаган К. Т. Брикаев қизил лентани қирқади. Тўпланганлар музей экспонатларини қизиқиб томоша қилдилар. корхона тарихи билан танишдилар.

Завод коллективининг революцион ва меҳнат традицияларига жуда бой бўлган ўз тарихи бор. 1917 йилнинг 28 октябрида заводда одатдагидан бошқачароқ гудок чалинди. Бу гудок темир йўл ишчиларига, биринчи ва иккинчи Сибирь полки аскарларига, эски шаҳар ҳунармандларига Тошкентда ҳарбий қўзғолон бошланганлиги маълум қилди. Қўзғолончилар милтиқ, пулемет ва замбаракдардан ўт очиб, душманга қарши беомон курашдилар. Тошкентда Совет ҳокимияти барпо этилди.

Уша йилнинг февралидаёқ устахона ишчилари запасдаги полкларининг аскарлари билан биргалашиб Шумилов, Першин, Ляпин, Казаков ва бошқа большевиклар раҳбарлигида чоризмни ағдариб ташлаб Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Советини тузишга муваффақ бўлган эдилар.

1919 йилнинг 20 январь куни заводда яна ташвишли гудок чалинди. Устахона ишчилари хонн Осипов исёнига қарши курашга отландилар ва исёнчиларни тор-мор келтирдилар.

Экспонатларни кўздан кечираётган ёшлар айниқса замбарак олдида кўп туриб қолишмоқда. Бу замбаракдан революция душманларига қаратиб олти марта ўқ отилган эди. Экспонатлар, диаграммалар, паннолар бизга корхона коллективининг фақатгина революцион традицияларн ҳақида эмас, балки меҳнат йўли, шону шуҳрати тўғрисида ҳам батафсил ҳикоя қилиб беради. Граждалар урушининг шовқин-суронларн тинди, коллектив ёш Совет республикасининг халқ хўжалигини тиклашга катта куч-ғайрат билан киришиб, зўр фидокорлик кўрсатди. Улуғ Ватан урушн йилларн ҳам завод меҳнат аҳли катта ҳаёт имтиҳонидан ўтди. Уз орасидан бир ярим мингдан ортиқ кишини урушга сафарбар этди. Уруш тугади, яна жасорат ва қаҳрамонлик йилларн бошланди. Корхона юксалиш йўлига қадам қўйди. ТЭ-3 тепловоз ва Чехословакия локомотивларн сингари мураккаб темир йўл техникасини ремонт қилиш ўзлаштирилди.

Меҳнатсевар коллектив кўпгина ажойиб ватанпарварлик ҳаракатларининг ташаббускори бўлди. 1952 йилн ихтирочилик ва рационализаторлик оммавий ҳаракатини бошлаб берди. 1963 йилн СССР халқ хўжалигн ютуқларн виставкасининг биринчн даражали дипломи билан мукофотланди. 1965 йилн ишлаб чиқаришга саноат эстетикасини жорий этиш учун кураш бошладм.

Бу йил корхонада яна бир ажойиб ватанпарварлик ташаббуси туғилди. Завод ишчиларн Совет ҳокимиятининг ярим асрлик шонли юбилейнга шахсий совғалар билан боришга қарор қилдилар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ажойиб ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Бундан 10 йил муқаддам заводда Т. А. Паршин, Е. Н. Лашкевич, В. М. Шумилов ва бошқа меҳнат ветеранларининг ташаббуси ва кучи билан революцион шон-шуҳрат хонаси ташкил этилган эди. Утган давр ичида шон-шуҳрат хонаси янги экспонатлар билан бойинди. Уч хонали тарих музейига айланди. Музейда тарихий воқеаларни кўз олдингизда гавдалантириб берадиган нодир экспонатлар, панно, диаграмма, макетлар талайгина. Завод тарихи музейига ташриф буюринг, ишчилар бу маданият ва революция ўчоғини сизга бажонидил таништирадилар.

Д. КОЗЛОВ,
Ленин район партия комитетининг бўлим мудири.

Суратда: завод тарихи музейи залларида.

УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

«Узбекистон» суғориш ва табиий чарм бирлашмасининг 2-заводи коллективи ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бу ерда технология жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар белгиланди ва бирин-кетин рўёбга чиқарилянти.

Йил бошидан бери бир неча янги машина ва ускуналар фойдаланишга топширилди. Тагчарм корпусида иккита янги ярим автомат монтаж қилинди. Унинг учинчиси шу йилнинг охирига бориб ўрнатилади. Бу мураккаб агрегатлардан фойдаланиш тагчарм ишлаб чиқаришни 300 тонна кўпайтирди. Қатор сермеҳнат иш жараёнларини енгиллаштирди. Операцияларнинг механизация даражаси 75 процентга етди. Илгари эса у 48 процентни ташкил этарди. Натижада меҳнат унумдорлиги анча ошди.

Х. ТУЙЧИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИНДИСТОН МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИ

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз раиси Н. АВАЗОВ билан суҳбат

□ □ □

ҲИНДИСТОН ер шаридаги энг қадимий мамлакатлардан биридир. Унинг фан ва маданият соҳасида эришаётган ютуқлари кўп асрлардан бери халқларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келади. Ниллар ўтиши билан бизнинг мамлакатимиз халқлари билан ҳинд халқи ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Шу кунларда республикамизда Ҳиндистон маданияти декадаси давом этмоқда. Декада қатнашчилари қаерга боришмасин совет кишиларининг иззат ва ҳурматига сазовор бўлишаяпти. Биз ҳинд санъати усталарининг маҳоратига қойил қолаяпмиз.

Ҳиндлар бизнинг қишлоғимиз аҳлига ҳам азиз. Ҳкерлигарсия панчаяти (қишлоқ) президенти жаноб Пурансингх ташаббус кўрсатиб, бизнинг колхозимиз билан Ҳкерлигарсия қишлоғи ўртасида алоқа ўрнатишни сўради. Биз бу қимматли ташаббусни жон-дилимиз билан маъқулладик. Улар бизни ўз қишлоқларига таклиф этишди. Биз бу иззат-икромни чин юракдан қабул қилдик. Делегациямиз ҳиндистонга бориб келди. Делегация составида колхоз зоотехниги Қўчқор Хидиров, колхозчи Рихсижон Нишонбоевалар ҳам бор эди.

Биз қадимий халқнинг гўзал юртидан катта таассуротлар билан қайтдик. Уни умрбод эслаб юрамиз. Ҳкерлигарсия қишлоғи Ҳиндистондаги энг қадимий қишлоқлардан бири экан.

Биз қишлоққа кечқурун кириб бордик. Қишлоқ аҳолиси бизни гулдасталар билан кутиб олди. Совет-ҳинд дўстлиги шаънига жуда кўп илиқ сўзлар айтилди. Қишлоқ ёшларининг иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Биз у ерда бўлганимизда қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти ва иш фаолияти билан таништик. Улар дилкаш, оқ кўнгил кишилар экан. Бу қишлоқда эркаклар билан аёлларнинг бирга ўтиришга одати йўқ. Борган жойларимиздан тез-тез хат-хабарлар олиб турибмиз. Яқинда яна бир хат келди. Унда Ҳкерлигарсия Панчаятининг бундан кейинги тараққиёти ҳақида ёзилган. Ҳиндлар ўз қишлоқларининг янада обод ва кўркам бўлишига ҳаракат қилишаётган экан. 1967—1968 йиллар планига мувофиқ Ҳкерлигарсия қишлоғида ўзлаштирилмаётган яйлов ерларнинг анчагина қисми ишга солинаркан. Кейин у ерларда уруғчилик кооператив фермаси тузиларкан. Бу эса энг яхши уруғлик етиштиришни таъминлайди, ҳосилдорликни анча оширади.

Хатда ёзилишича, бу фермани тузишда бизнинг Ленин номли колхозимиз иш тажрибасидан кенг фойдаланилади. Янги ўзлаштирилган ерга канал қазиб сув келтириш, электр ўтказиш чоралари ҳам кўрилади. Қишлоқдаги тўлиқсиз ўрта мактаб яқин вақтда ўрта мактабга айлантирилади. Халқ медицинасини ташкил этиш ва уни ҳозирги замон дори-дармонлари билан таъминлаб туриш юзасидан ҳам зарур ишлар амалга оширилади. Тўртинчи беш йиллик планга мувофиқ Дахра Жотпур бурилишидан Бэр посёлкасигача борадиган кенг йўл қуриб битказилади. Бу йўл Ҳкерлигарсия қишлоғи территориясини кесиб ўтади. Шундан кейин қишлоқда маҳсулотларни бозорга олиб бориб сотиш янада тезлаштирилади. Маҳсулотнинг бузилишига йўл қўймайди, ортиқча сарф-харажатлар камаяди.

Ҳиндистонга борганимизда Ҳкерлигарсия қишлоғи аҳлини ўз колхозимизга меҳмонга таклиф қилгандик. Улар «кўнглингиз тинч бўлсин, бундан кейин борди-келдимизни узилмайди», деб жавоб қилишган эди. Ўзаро келишиб олишимизга кўра ҳиндларнинг вакиллари яқинда бизнинг колхозимизга меҳмон бўлиб келишади. Колхозчиларимиз ҳозир азиз меҳмонларни кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўришаяпти. Меҳмонлар пахта далаларимизни, полизаларимизни, боғларимизни кўришади. Хонадонларимизда меҳмон бўлишади. Қишлоқ маданияти билан танишишади.

Биз ҳинд дўстларимизни деҳқончиликда эришаётган ютуқларимиз, тажрибаларимиз билан батафсил таништирамиз. Бундан кейин ҳам алоқани мустаҳкамлаб, қишлоқларимизнинг гуллаб-яшнаши ва деҳқончиликдан улкан хирмонлар кўтаришда бир-биримиз билан доимо алоқа қилиб турамиз.

ПОЧТАЛЬОН

Суканта БХАТТАЧАРИЯ

1.

Почтальон!
Ором билмас хабарчи!
Эшитилар зимзиё тун қўйнидан
Оёқ товшинг қўнғироқчанг овози,
Доим йўлда, тушмас сумка елкангдан.
Унинг юки эилдай оғир ва нотинч,
Тонгга қадар тарқатишга мажбурсан!
У юк-алчи ҳар номаълум жойдан у,
Тун қўйнида шамол каби елурсан.
Йўлинг туташ уфқлардан уфққа,
Гоҳ сен бўмбўш йўлда, сумка елкангда.
Гоҳ қишлоқлар қинғир йўлин кезарсан,
Сен тинмайсан денгиздаги елкандай.
Сен чопасан мудроқ хонадонларга,
Сен чопасан, ҳаёл қалбингда кезар,
Сен чопасан, яна кўп хат қолдими?
Сен чопасан, тонг қанотин кўтарар.

2.

Почтальон!
Ором билмас хабарчи!
Кийик каби олис йўлларда учқур,
Фақат тунлар бошинг устида сокин
Қараб қолар олисдаги юлдузлар.
Сенинг эса ҳорғин нафасинг, кўкка,
Булутлардан баланд кўтарилгандай,
Пешонангдан оққан иссиқ терларинг
Кўкатларга шудринг бўлиб томгандай.
Худди бедор тунингдаги туш каби,
Йўлларингда қаддин кўтарар ўрмон.
Чигирткалар чийиллайди йўлингда,
Чироқчантга учар парвона шу он.
Яна ортга қараб чопади йўллар,
Яна ортга сузиб ўтар қишлоқлар,
Ҳар қадамда пайдо бўлар умидлар,
Сени чорлар йўлга яқин-йироқлар.
Сен чопасан, тонг бўзарар ортингдан,
Дам олишга вақтинг қолмайди шу дам.
Йўлин тезлаш керак дейсан, шошарсан,
Почта поездига жўнайсан илдам.

3.

Почтальон!
Ором билмас хабарчи!
Шу ҳаётми, шуми ҳурмат инсонга?
Чақа учун наҳот адо бўлгунча
Оромингни сотасан хўжайинга,
Тунлар бедор, дам олишни билмайсан,
Сен ўтасан бўм-бўш кўчалар бўйлаб.
Хотинингчи, пойлаб хароб кулбада,
Ўлтиради тирикчиликни ўйлаб.
Кутар сени, ёлғиз қолган бевадай,
Қалбин тирнар қайғу-алам, ҳаяжон,
Термуладн тонгнинг оппоқ йўлига,
Эрим келар дейди уйимга қачон.
Эри эса катта сумка елкада,
Пулни кутиб йўлга боққанга шошар.
Хонадонлар йўлин излар ҳаёли,
Юрагида турли ўйлар ғалашар.
Сен чопасан, тун жимлигин ўйлайсан,
Сокин тунда тўлиб ётар хавф, алдов.
Сен чопасан, оёқ остинг шитирлар,
Гўё ёнда нафас олгандай биров.

4.

Почтальон!
О, нотаниш хабарчи!
Сен бировлар қисматига ҳамдардсан.
Сенга аён қанча одам хат ёзур,
У хатларда қанча шодлик, дард, гумон.
Кимдир хатни очиб беҳад шодланар,
Бошқасининг хатдан ўрлар фарёди,
Лекин ҳеч ким сенинг ҳақингда бир кун
Хат ўқимас, эслаб, келтирмас ёди.
Сенинг оғир машаққатли йўлларинг,
Заҳматларинг кимнинг ўйига келар.
Сени эслар йўллардаги кўкатлар,
Сени билар сени кузатган еллар.
Сени билар кўкдан боққан юлдузлар,
Тун хатидан заҳматингни ўқишар,
Охир қайтиб дам олганда кулбангда,
Мовий осмон сени қутлаб ёришар.

5.

Почтальон!
О, беором хабарчи!
Эшитамен зимзиё тун қўйнидан
Оёқ товшинг қўнғироқчанг овози,
Қичқириб сўз айтай дейди изингдан.
Дўстим дейман, умид йўлдош бардам бўл,
Яхши кунлар кутар сени олдинда.
Зулмат ичра югурмагансан бекор,
Қанча бўм-бўш йўллар ўтасан кунда.
Сен қасамёд хатни бугун элтасан,
Ҳақиқат ва орзу хати қўлингда.
Сен чопасан, йўллар ошиб, тинмайсан,
Оппоқ бўлиб тонг ёришар йўлингда.
Сен шафақдан қўрқма, уни табрикла,
Қир ортидан почта поезди ўтар,
Унга югур, элт бебаҳо юкингни,
Ёзилгандир минглаб орзу ва ўйлар.
Поезд элтсин уларни олға томон,
Югур тезроқ, олға интил почтальон!

Русчадан НАЗАРМАТ таржимаси.



ҲИНДИСТОН ва Ўзбекистон маданият арбоблари Ҳиндистон санъати виставкасидаги экспонатларни кўздан кечирмоқдалар (чап да), ўнгдаги суратда Ҳиндистон санъаткорлари Ўзбекистонда нашр этилган ҳинд ёзувчиларининг китобларн билан танишмоқдалар.
А. Абалян фотолари.

Совет қурилиши

ЖОНКУЯР

Тожихон опа И. Ф. Крюкованинг арзини берилиб тингларди. Гапларининг магзини чақарди. Унга ёрдам бериш йўлини, иложини излаб хаёл сурарди.

— Бу ҳақда район ижроия комитетига айтганмидингиз? — сўради у И. Крюковадан.

— Ҳа, аризам ҳам уларнинг қўлида. Орадан беш-олти ой ўтиб қолди. Ҳали ҳам натижаси йўқ. Шунинг учун илтимос билан сизнинг олдингизга келдим.

— Хафа бўлманг опа, — деди депутат, — мен бир сурриштириб кўрай. Илтимосингизни ерда қолдирмасликка ҳаракат қиламиз.

Депутатнинг қабулида бўлиб ўтган мана шу воқеадан кейин кўп вақт ўтганн йўқ. И. Ф. Крюкованинг қўлига янги квартира ордери келиб тегди. Илгари унинг онласи мактаб биносидаги бир хонада истиқомат қиларди. Энди эса Шота Руставели кўчасида икки хонали шинам квартирада яхши ҳаёт кечиришяпти. Депутатнинг ёрдамида М. Ҳайитованинг онласи ҳам янги уйлик бўлиб олди.

Шота Руставели кўчасидаги Жамбул, Академия, Роҳат маҳаллаларида яшовчи сайловчилар ўз депутатларидан жуда-жуда миннатдорлар. Негаки, улар Тожихон опага қандай наказ беришса, у ана шу наказнн ўрнига қўймагунча тинмб-тинчимайди. Унинг жонкуярлиги билан Минии Пожарский кўчасида янги магазин очилди. Кўчага асфальт ётқизилди. Яковлев, Раскова проездлари ҳам асфальтланди.

Тожихон опа меҳнатда ҳам чаққонлигини билмайдиган, ўз ишига садоқатли аёл. У 39 йилдан бери фарзандларимизга билим бериб келмоқда. Уларни илм чашмаларидан баҳраманд этиб, коммунизмнинг муносиб қурувчилари қилиб етиштиришда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Опа директорлик қилаётган Фрунзе районидаги 26-мактаб илгари етти йиллик бўлиб унда 400 бола таълим оларди. 1954 йилда икки қаватли бино уч қаватли бўлди. Кейин яна битта қўшимча бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мана энди Тожихон опа директорлик қилаётган мактабнинг талабалари сони 1300 дан ошиб кетди.

Тожихон опанинг хизматларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлаган. У республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонини олган, 1960 йилда Ленин ордени билан мукофотланган. Партиямизнинг XXII съездига делегат бўлиб қатнашиш шарафига муяссар бўлган. У уч чақириқдан бери Тошкент шаҳар Советининг депутатидир.

Элга ҳалол меҳнат қилиб, сайловчилар ишончини оқлаб келаётган Тожихон опа Абдуллаева билан биз фахрланамиз.

Э. ҚОДИРОВ.

МАГНИТОГРАФИК ЛАБОРАТОРИЯ

Бортига «Магнитографик лаборатория» деб ёзиб қўйилган «Волга» енгил автомашинаси шаҳримиз кўчаларида қатнайбошлади.

Машина ичида 5—6 хил аппарат бор. Улар муҳим операцияларни бажарадилар. Кўчаларга ётқизилаётган газ трубалари сифатини аниқлашда аппаратлар кўзгу бўлиб хизмат қилади. Текшириш натижалари ўша заҳотиёқ анализ қилинади ва фалокатлар барвақт бартараф этилади.

ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИ ВА КОММУНИЗМ

Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини кенг комплекс равишда ўрганиш, коммунистик жамиятнинг илмий техникавий негизларини вужудга келтириш учун зарур бўлган табиий ресурсларни аниқлаш, ҳозир Октябрнинг 50 йиллик юбилейи йилида СССР Фанлар Академияси ишининг энг муҳим йўналишларидан бири тариқасида яна биринчи галдаги ишлардан бўлиб қолди. Ташкилий жиҳатдан олганда бу йўналиш СССР Фанлар Академиясининг Президиуми ҳузурида ишлаб чиқарувчи кучлар ва табиий ресурсларни ўрганиш комиссиясининг тузилиши билан расмийлаштирилди. Бу комиссия илм-фаннинг ҳамма тармоқларида ишлаб турган етакчи фан арбобларидан кўпгина кишиларни бирлаштирди.

ТАСС мухбири Л. Маркелова бир неча саволга жавоб беришни сўраб шу комиссиянинг раиси, СССР Фанлар Академияси Президиумининг аъзоси, академик Н. В. Мельниковга мурожаат қилди.

Савол: Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва мамлакатнинг табиий ресурсларини ҳар томонлама сафарбар қилиш билан боғланган ишларнинг шу қадар кенг программаси қабул қилинганлигининг боиси нима?

Жавоб: Бу программанинг характерли хусусиятларини билиб олмоқ учун тарихга бироз мурожаат қилайлик. 1918 йилда Владимир Ильич вақт топиб, илмий-техникавий ишлар планининг режасини тузди. Мана шу ҳужжатда В. И. Ленин Фанлар Академияси фаолиятининг кўп йилларга мўлжалланган кенг программасини белгилаб берди. Фанлар Академиясининг иштироки билан тузилган ва Г. М. Кржижановский 1920 йилнинг декабрида Советларнинг Бутун Россия VIII съездида тақдим берган ГОЭЛРО плани мана шу режани амалда рўёбга чиқариш йўлида қўйилган биринчи катта қадам бўлди.

Фанлар Академияси Урал, Кузбасс, Кола ярим ороли бойликларини, Курск магнит аномалиясини, Татаристон ва Бошқирдистонда нефть қазиб чиқаришнинг катта базаси — «Иккинчи Боку»ни, Ғарбий Сибирь пастекислиги бойликларини ўрганишда актив қатнашди. Ва-ана бойликларини ўрганишдек зўр ишоатга машҳур олимлар — академиклар А. Е. Ферсман, В. А. Обручев, А. Д. Архангельский, И. М. Губкин, А. П. Павлов, В. Л. Комаров, Д. И. Щербаков, В. Н. Сукачевлар узларининг бутун ҳаётларини бағишладилар.

Савол: Янги комиссиянинг фаолиятидаги асосий вазифа сизнинг фикрингизча нималардан иборат?

Жавоб: Шуни назарда тутиш керакки, Совет Иттифоқининг табиий ресурсларини планли равишда ўрганиш системаси — социалистик тузумнинг энг муҳим хусусиятларидан бири. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь 50 йиллигига аталган тезисларида қайд қилиб ўтилганидек: «... Фақат социалистик жамиятгина илмий тадқиқотларни кенг ва планли равишда ривожлантириш, бу илмий тадқиқотлардан меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида, илмий-техника революцияси илгари сураётган социал проблемаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун фойдаланиш имкониятларини очиб беради». Табиий ресурсларга бой бўлган янги районлар хўжалигини жадал ривожлантириш Совет Иттифоқи индустриясини ривожлантиришдаги бутун йўл учун характерлидир. Коммунистик партия кўрсатиб берган бу йўл мамлакатнинг совет экономикасини тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаб беради. Янги территорияларни хўжалик мақсадлари учун собитқадамлик билан ўзлаштиришнинг миқёслари ва муддатлари жаҳон иқтисодий тарихида мисли йўқ иш бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз жуда катта табиий ресурсларга эга бўлган территорияларни кенг равишда иқтисодий ўзлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйди. Европа қисмида, мамлакатнинг қоқ марказида Курск магнит аномалияси негизида темир руда саноатининг қудратли маркази вужудга келтирилмоқда. Белорусияда янги нефть райони пайдо бўлмоқда. Мамлакатимиз Европа қисмининг шимолида катта-катта нефть, табиий газ, кўмир, титан, боксит, ёғоч запасларига эга бўлган Тиман — Печора райони вужудга келмоқда. Мамлакатнинг Европа районларида хом ашёнинг янги манбалари топилиши турган гап. Бу эса янги саноат марказларини вужудга келтиришга олиб келиши шубҳасиз. СССРнинг шарқида табиий ресурсларга бой бўлган районлар хўжалик мақсадлари учун ўзлаштирилмоқда. Ғарбий Сибирь пастекислиги билан боғлиқ бўлган вазифалар комплекси ҳам олимларнинг катта диққат ва эътиборига сазовордир. Бу Ғарбий Сибирь пастекислиги территориясида Европадаги давлатларнинг ярмисини жойлаштириш мумкин бўлур эди. Истиқболи кенг нефть ва газ майдонларининг умумий сатҳи ҳозир бу районда бир ярим миллион кубометрдан ошиб кетди.

Савол: Табиий ресурсларни сафарбар қилишнинг ҳозирги босқичи бундан олдинги босқичлардан нима билан фарқ қилади?

Жавоб: Аввало, энг янги илмий техника воситалари ишга туширилганлиги, иш миқёсларининг бошқачалиги билан фарқ қилади.

Жавоб: Кончилик фани соҳасида мутахассис бўлганлигим сабабли шуни уқтириб ўтмоқчиманки, бу фаннинг муваффақиятлари физика, математика ва бошқа асосли ҳамда техникавий фанларнинг муваффақиятларини кончилик иши проблемаларига кенг равишда тортиш туфайли қўлга киритилди. Кончилик ишининг даражаси халқ хўжалик экономикасининг ҳаракатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шу сабабли минерал хом ашёни арзонга тушириш ҳозир энг актуал вазифа бўлиб турибди. Мураккаб микротектоник жараёнларни: тоғ жинсларининг деформацияларини, ер ости сувларининг режимини ва газлар фильтрациясини бошқариш методларини вужудга келтиришга ва шу тариқа фойдали қазилмаларни қазиб олишни хатарсиз, унумли, тежамли қилишга ва бу ишда нобудгарчиликнинг энг кам бўлишига эришишга интилмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан қараганда кончилик фанининг бўлимларидан бири бўлган геомеханиканинг роли катта. Самолётларни қурувчилар учун аэромеханика ёки кемасозлар учун гидромеханика нақадар катта роль ўйнаса, геомеханика ҳам шундай катта роль ўйнайди. Афсуски, ҳозирча кончилик геомеханикаси қолоқ участка бўлиб турибди, уни ривожлантирмоқ учун бошқа фанларнинг энг янги муваффақиятларидан янада активроқ фойдаланиш, шунингдек кончилик ишининг инженерлик вазифаларини назариясини асослаб бериш зарур. Фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришнинг шундай усулларини вужудга келтиришга интилмоқдамизки, булар одамнинг ролини машиналар ва механизмларни бошқаришдангина иборат қилиб қўйиши керак.

Савол: Табиий ресурсларнинг тугаб қолиши тобора авж олмоқда, деган ҳаяжонли фикрлар кейинги вақтларда пайдо бўлиб қолди. Бундай ҳаяжонга тушаётганлар орасида ўз фикрини аниқ ҳисобларга қараб билдираётган кишилардан кўра, кўпинча ҳиссиётга берилаётган кишилар кўпроқ учрайди, албатта. Шу билан бирга ер бағридаги фойдали қазилмаларнинг запаслари чексиз эмаслигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришда бўлаётган нобудгарчиликлар жуда кўп зарар келтиради ва бунга қарши чоралар кўриш керак. Масалан, ер бағридаги нефтнинг фақат 30—40 процентигина олинмоқда. Яна бунга уни ташиш вақтидаги нобудгарчиликларни ҳам қўшиш керак. Ер бағридаги нефтни тағин ҳам тўлиқроқ чиқариб олиш масаласи жуда қийин масала. Лекин кўпгина илмий тадқиқотлар бу масалани ҳал қилиш йўлларини ҳозирнинг ўзидаёқ кўрсатиб бермоқда ва бундан фойдаланиш керак. Мамлакатнинг текширилган геологик запасларини комплекс тадқиқ қилиш деб нимани айтилади?

Жавоб: Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ишга солиш учун олиб борилаётган жуда катта ишнинг ҳозирги босқичида олимлар ҳал қилиши лозим бўлган масалаларнинг ҳаммасини шу суҳбатда тўла-тўкис айтиб бериш вазифасини олдимизга қўяётганимиз йўқ. Кенг сув хўжалик проблемалари, денгизлар ва океанларнинг минерал ресурсларини ўзлаштириш, СССРнинг ер фондидан фойдаланиш, ўрмонлардаги дарахт ресурсларини қайта тиклаш ва улардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳозир олдимизда турган муҳим масалалар жумласига киради. Биз бу масалаларни чинакам комплекс равишда ҳал этишга эришмоқчимиз. Бу жуда кўп ишлатилаётган сўз бўлиб, умуман ҳеч ким бунга эътироз билдираётгани йўқ. Аксинча, ишларни комплекс равишда олиб боришни ҳамма қўллаб-қувватламоқда. Аммо амалда минерал ресурслар, ер, ўрмон, сув ресурслари алоҳида-алоҳида ўрганилмоқда. Ваҳоланки, ер, ўрмон, сув ва иқлимий ресурслар ҳамиша бир-бирига боғланган бўлиб, хўжалик мақсадлари учун фойдаланишда улар бир-бирига таъсир қилиб туради. Ер ости бойликларидан фойдаланиш системаси билан ер усти ресурсларидан фойдаланиш системаси ўртасида ҳам бевосита боғланиш бор. Умуман, янги ўзлаштиришлар территориялар учун қазиб олинадиган фойдали қазилмаларнинг ҳамма таркибий қисмларидан рационал фойдаланишни ҳисобга олиб, шунингдек қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, саноат, транспорт ва шаҳарлар учун ер фондидан рационал фойдаланишни, ҳамма эҳтиёжларни сув билан таъминлашни ҳисобга олиб илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берадиган ҳақиқатан комплекс илмий тадқиқотлар олиб борилиши керак. Инсон хўжалик фаолиятидан келиб чиқадиган оқибатларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу оқибатлар ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Лоакал бир мисолни айтиб ўтайлик. Қора денгиз соҳилидаги пляжларни сақлаб қолиш учун бу иш унчалик катта эътибор талаб қилмагандек бўлиб туюлади. Бироқ, ҳақиқатда бу пляжлар курортларга қарашли чиройли жой бўлиш билангина аҳамияти қолмасдан, балки Қора денгиз ўн йиллар ичида Қора денгиз бўйидаги пляжлардан 30 миллион кубметр қурилиш материали — шағал ва қум олиб кетилди. Ваҳоланки, пляжлар соҳилларни ўпириб кетишдан сақловчи воситадир. Пляжлар йўқолиши билан соҳилларнинг ўпирилиши тезлашиб кетди. Энди бўлса, ўзининг ҳимоячилик ролини ўйнаётган жойда сунъий равишда янги пляжлар вужудга келтириш учун катта маблағлар сарфлашга тўғри келади.

Савол: Назарий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришда улардан бевосита фойдаланиш билан қўшиб олиб бориш қандай уюштирилмоқчи?


Жавоб: Комиссия ўз сафида бирлаштирган олимлар ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган катта-катта техникавий проблемаларни ҳал қилиб беришлари, шу билан бирга бу проблемаларнинг ҳал қилиниши халқ хўжалигининг катта-катта тармоқларини олдинга силжитиши лозим. Назарий иш билан амалий иш қандай қўшиб олиб борилишини қуйидаги мисол билан кўрсатиш мумкин. Патон номидаги электр пайвандлаш институти билан газ саноати министрлиги айниқса ғарби-шимол томонга олиб борадиган магистрал газ қувурларини қуриш учун диаметри катта (икки-икки ярим метрли) трубалар ишлатиш керак, деган фикрни айтишди. Бу янги техникавий проблемани амалда ҳал қилиш мамлакатни газ билан таъминлаш системасини жуда янги техникасига принципиал ўзгартишлар киритади ва катта иқтисодий самара беради.

Савол: Илмий прогноз, сизнинг фикрингизча қанчалик узоқ вақтни ўз ичига олиши мумкин.

Жавоб: Саноати ривожлантириладиган жуда катта янги районларни ўзлаштириш социология, медицина географияси ва бошқа фанлар соҳасидаги мутахассисларнинг ҳам куч ва ғайратини талаб қилади. Илмий техникавий планлаштириш ишларимизнинг «узоқлик муддатини» икки мингинчи йилга етказмоқчимиз, икки мингинчи йилгача қилинадиган ишларни олдиндан белгилаб қўйишдан йироқ эмасмиз. Аммо амалда иш шундай прогноз жуда зарур. Чунки табиий ресурслардан фойдаланишга доир ишларнинг кўпини фақат узоқ истиқболни ҳисобга олиш билангина ҳал қилиш мумкин.

Ишлаб чиқарувчи кучларни ва табиий ресурсларни ўрганиш комиссияси СССР Фанлар Академиясининг, иттифоқдош республикалардаги Фанлар Академияларининг илмий муассасалари томонидан ва бошқа ташкилотлар томонидан табиий ресурслар ва улардан комплекс фойдаланиш проблемасига доир олиб борилаётган ишларни бирлаштириши лозим. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш совет олимларининг энг муҳим ватанпарварлик бурчидир. Улуғ Октябрь 50 йиллигини кутиб олишга улар қўшадиган муносиб ҳиссадир.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ НИШОНАЛАРИ



СЕРКУЁШ республикамизда

СУРХОНДАРЁ областидаги «Советобод» совхозида ишлар қизғин боряпти. Қўриқ ерда ташкил топган бу хўжалик поселкаси йил сайини кўркамлашиб боряпти. Ҳозир унда катта қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётир. 11-қурилиш трестининг 3-бошқармаси коллективи совхоз ишчиларига қўшқаватли турар-жой бинолари, кинотеатр ва мактаблар қуриб бермоқда. 400 ўринли клуб, ошхона, ёзги кинотеатр ва планга қўшимча равишда минг квадрат метр турар-жой совхоз ишчиларига совға қилинди. ЎзТАГ фотомухбири Х. Исроилов олган бу суратда совхоз маркази тасвирланган.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

ҚАЙСАР СЕКРЕТАРЬ

Қишлоқ Совети биносининг олдига жум. Аммо бу одамлар сайрга ёки йиғинга келишган эмас. Ҳар бирининг ўз арзи, шикояти, илтимоси бор. Идора эшиги қачон очилар экан, деб кўз тикиб соатлаб тик туришарди. Тоқат тоқ бўлгач, қишлоқ Советининг секретари Бобомурод Сафаровни излашади. Йўқ, уни топиш осон эмас. Кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топиш амримаҳол. Борди-ю, кўз кўзга тушиб қолса ҳам дарров чап беришга ҳаракат қилади.

Мана бу воқеани эшитинг. Колхознинг 1-участкасида ҳалол меҳнат қилиб келаётган ўртоқ Холбой Хидировни шу қайсар секретарь роса бир йилдан бери саргардон қилди. Холбой Хидиров илгари Душанбе шаҳрида яшаганида беш боласига ҳамиша нафақа олиб келган эди. Навоий номли колхозга кўчиб келгандан кейин секретарь Бобомурод Сафаровнинг пайранги билан июль ойигача нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб юрди.

Энди у ишининг справка сўраб келган кишиларга нисбатан муомаларини кўринг. Ўрта ва саккиз йиллик мактабни битириб чиққан ёшлардан Зебо Худойқулова, Ойсара Бойболаева, пенсионер Умрқул Абдукаримовлар қишлоқ Советига справка сўраб келганларида секретарь уларни «эрта келинг, индин келинг», деб роса овора қилди.

Секретарнинг яна бир эркалик томони ҳам бор. У киномеханик ўртоқ Тошмурод Холмуродовни ҳоли-жонига қўймайди. Кундуз куни, иш вақтларида «қани, бир кино кўрсат, оғайни» деб икки оёғини бир ерга тираб олади. «Мафтунингман»дан бўлсин, дейди. Бу ҳол бир неча бор такрорланган.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ ва поселка Советлари ишини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш соҳасида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Чунки қишлоқ ва поселка Советлари халққа яқин бўлсин, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганиб ҳар тарафлама ёрдам берсин, деган шиорни ўртага ташламоқдалар. Бизнинг қайсар секретаримиз Бобомурод Сафаров ана шуни тушунармикин? Агар тушунмаса яхшилаб тушунтириб қўйилишини илтимос қиламиз.

Д. ҲАЙДАРОВ,
Бекобод қишлоқ Совети аҳолиси номидан.

ДАРДИСАР

Чиноз поселкаси билан Собир Раҳимов номли колхоз қишлоғи ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилганида каттадан-кичикнинг кўнгли хушнуд бўлган эди. Негаки, бу маршрутдаги автобус хизматидан фақат Собир Раҳимов номли колхоз аҳолисигина эмас, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Охунбоев номли колхознинг олис участкаси, «Ленинград» ва «Қизил Октябрь» колхозларининг қир участкаларидаги аҳоли баҳраманд эди. Афсуски, сўнгги ойларда бу маршрутда қатнаётган автобуслар дардисар қилиқ чиқарди. Бир-икки кун йўловчилар хурсанд бўлиб қолишса, икки-уч кун диллари ранжийди. Янгийўлдаги таксимотор паркининг раҳбарлари учун бу участка ўгай бўлиб қолганга ўхшайди. Мана сизга бир мисол. Фақат июль ойининг ўзида 21 кун автобус қатнагани йўқ. Кейинги ҳафта ичида эса фақат шанба куни автобуснинг юзини кўрдик.

Очиғини айтиш керак, таксимотор парки раҳбарлари ўз вазифаларига тўла масъулият билан қараётганлари йўқ. Автобуслар бўлар-бўлмасга тез-тез ремонтга тушади. Раҳбарларнинг буйруги билан машиналар ўз маршрутида қатнамайди. Буни шоферларнинг ўзлари ҳам тасдиқлайдилар.

Бу ҳақда Янгийўл таксимотор парки раҳбарларига мурожаат қилганимизда улар «тушум кам, ҳаражатларни қопламайди» деб баҳона қиладилар. Бу мутлақо бўлмаган гап. Ахир Чиноз поселкаси олдида йўловчи машиналарга қўл кўтариб, вериб чарчаган юзлаб кишини учратасиз. Ана шуни ҳисобга олиб бу маршрутда қатъий бир тартиб ўрнатилса, кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлар эди.

Д. СОДИҚОВ,
Собир Раҳимов номли колхоз аъзоси.

С. ОЛДИЕВ,
Қ. ТОҒАЕВ,
Ватан уруши инвалидлари,
Ж. УСМОНОВ,
72-мактаб ўқитувчиси.

Жаҳон янгиликлари

СОВЕТ—ВЬЕТНАМ МУЗОКАРАЛАРИ

Москвада Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумат иқтисодий делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Ле Тхань Нги бошчилик қилмоқда.

15 августда Кремльда Совет—Вьетнам музокаралари бўлиб ўтди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида СССР билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. (ТАСС).

ХАНОЙДАН ХАБАР БЕРАДИЛАР

Аниқланган маълумотларга кўра, Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони 2.185 тага етди.

* * *

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 29 июлда Куангчи вилоятининг Виньлинь районидаги Америка аэродромини ўққа тутиш вақтида Американинг 17 вертолётини яксон қилдилар ва шикастлантирдилар.

Ўққа тутиш вақтида ўқ-дори омбори яксон қилинди ва Американинг кўп солдатлари ўлдирилди. Агентликининг хабар беришича, Озодлик армиясининг жангчилари мазкур аэродромга шу билан саккиз марта ҳужум қилдилар. Ана шу ҳужумлар вақтида Американинг жами 122 самолёти ва вертолёти яксон қилинди ва шикастлантирилди.

ХАЛҚЛАР СЕН БИЛАН БИРГА, ВЬЕТНАМ

ГААГА. Америка самолётларининг Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилиши ҳеч сўзсиз тўхатилсин, деб талаб қилинган арзномага голландияликлардан 25 мингдан кўпроқ киши имзо чекди. Вьетнамда тинчлик бўлиши учун курашувчи Голландия комитети бу арзномани мамлакат парламентига тақдим этади.

ҚОҲИРА. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг доимий секретариати бу ерда эълон қилган баёнотда айтилишича, Америка авиацияснинг Вьетнам Демократик Республикаси пойтахтида аҳоли зич жойлашган районларни вахшиёна бомбардимон қилаётганлиги АҚШнинг Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган агрессив урушни янада кенгайтириш йўлида қўйган ғоят хатарли қадамидир.

Доимий секретариатнинг шу баёнотида, барча тинчликсевар халқлар Америка ҳарбийларининг бу жиноятларига қарши чиқишлари лозим ,дейилади.

ВАШИНГТОН. Американинг кўзга кўринган уч сенатори АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши авиация урушини кенгайтиришга интилаётганлигини қоралади. Демократлар партиясининг сенатдаги раҳбари Майт Мэнсфилд, АҚШ ҳукумати «урушни жуда хатарли равишда кенгайтириб юборди» деди. Сенатдаги ташқи ишлар комиссиясининг раиси Уильям Фулбрайт, Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш кучайтирилаётганлигини «аҳмоқона ва хатарли ҳаракат» деди. Нуфузли сенаторлардан республикачи Жон Шерман Купер Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилишни дарҳол ва ҳеч сўзсиз тўхататиш керак деб кейинги вақтларда ҳукуматдан учинчи марта талаб қилди.

АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига нисбатан агрессив сиёсати самарасиз деган фикрга келаётган Америка сенаторларн тобора кўпаймоқда.

БОНН. Гамбургдаги «Шпигель» журнали Қўшма Штатларнинг Вьетнам Демократик Республикаси территориясига авиация ҳужумларини кўпайтириб, Вьетнамдаги агрессия муваффақият қозонишини таъминлаш учун қилаётган уринишни тамомила муваффақиятсиз бўлиб чиқди, деб ёзмоқда. Журналнинг уқтириб ёзишича, Америка авиацияснинг бу давлат территориясини бомбардимон қилишларни кучайтираётганлиги «Қўшма Штатларга ғалаба келтирмайди, балки бутун инсониятнинг газабини қўзғатади, холос».

«Шпигель» журнали «Вьетнамнинг ҳаққоний иши ғалаба қилади» деб ёзмоқда. (ТАСС).

Гватемалада партизанлар кураши кучаймоқда

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Яқинда Гватемалага бориб келган уругвайлик публицист Эдуардо Голиано Сан-Францискодаги «Рэмпартс» журналининг сентябрь ойи сонида босилган мақоласида ҳозир — Гватемала Жанубий Вьетнамни эслатиб турибди, деб ёзади.

Партизанларга қарши жазо операцияларини ўтказишда, деб ёзади Голиано, американлик «маслаҳатчилар» ҳукумат қўшинларига ҳамроҳ бўлиб юришибди. Бундай «маслаҳатчилар» армия штабларида, мудофаа министрлигида ҳатто мамлакатнинг полиция бошқармасида ҳам бор.

Гватемалада Америка ҳарбийлари борлигини АҚШнинг расмий доиралари бир неча марта эътироф қилдилар. Чунончи, ўтган йил январидан ҳарбий округ қўмондони генерал Роберт Портер АҚШ конгрессида гапириб, солдатлар ва армия инженерлари Гватемалада «граждандлик ҳаракати» программасини амалга оширмоқдалар, деган эди.

Бу программа «граждандлик» ишларидан нақадар узоқ эканлигини Гватемала партизанлари айтган гаплар ҳам кўрсатиб турибди. Партизанларнинг Голианога айтган гапларига қараганда Гватемаладаги махсус қўшинларда хизмат қилаётган солдатлар айрим вақтларда бир минг кишига ҳам яқинлашиб қолган. Мамлакатнинг ўзида, шунингдек Панама канали зонасида ва АҚШда гватемалалик офицерлар жадаллик билан тайёрланмоқда.

Гватемала вице-президенти Клементе Маррокин Рохаснинг ўзи Америка авиацияси партизанларга қарши кураш қуралда қатнашаётганлигини уругвайлик публицистга гапириб беоган. Бир вақт биз, деган вице-президент. Америка самолётларининг эскадрильясини Панамадан чақиртириб келтирдик. Бу самолётлар партизанлар борлиги гумон қилинган лагерга напалм бомбалар ташлади.

АМЕРИКА ЁШЛАРИНИНГ КАЙФИЯТИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Америка ёшлари орасида урушга қарши кайфият шу даражада қулоч ёйдики, бу ҳол Вашингтондаги сиёсий арбобларни ташвишга сола бошлади. «Нью-Йорк пост» газетаси АҚШ пойтахтидан ана шу ҳақда хабар беради.

Вьетнамдаги уруш ҳозирги вақтда Америка коллежлари ва университетларида энг ўткир масала бўлиб қолди.

Сиёсий арбоблар негрлар ғалаёнлари кучайиб бораётганлигидан ҳам ташвишга тушмоқдалар. Маълумки бу ғалаёнларда ёшлар актив роль ўйнамоқда.

Демократик партия раҳбарлари америкали ёшларнинг ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатидан норозилиги 1968 йилги президент сайловлари натижаларига таъсир қилиши мумкин, деб хавотирланмоқдалар. Оқ танлилар ва негрлар бўлиб тахминан 12,5 миллион ёш америкали бундай сайловларда биринчи марта қатнашади. Мана шу ёшлар фикри сўнгги йилларда Вьетнамдаги уруш таъсирида шаклланди, деб ёзади газета.

ҚАҚШАТҒИЧ ЗАРБА

ЛОНДОН, (ТАСС). Рақобат қилиш қобилияти сусайиб кетаётганлиги туфайли оқсаётган Англия авиация саноати олдида яна жиддий хавф туғилди. Газеталарда Англия ҳукумати миллий самолётсозликни соғломлаштириш йўлларини излаб овора бўлмай Америка монополияларига сотиш самолётсозликкагина эмас, шу билан бирга Англиянинг барча саноати учун ҳам қақшатғич зарба бўлиб тушади.


Тайёрланаётган битим тўғрисидаги хабарлар жамоатчиликни газаблантирди. Бугун «Дейли экспресс» газетаси парламентнинг лейборист аъзоси Морис Эдельманнинг мақоласини эълон қилди. Мақолада айтилишича, Англия авиация заводларини Америка монополияларига сотиш — Англиянинг барча саноати учун ҳам қақшатғич зарба бўлиб тушади.

Эдельман яна қуйидагиларни ёзади: америкаликлар асосий ишлаб чиқаришни ўз мамлакатида жойлаштирадилар. инглиз авиация корхоналари эса ёпиб қўйилади, ёки иккинчи даражали ёрдамчи ремонт устахоналарига айлантирилади. Бу муҳим соҳадаги мустақилликдан маҳрум бўлиш у ёқда турсин, мамлакатни мутахассисларнинг мамлакатдан кетиб қолиш процесси янада кучаяди.

АЛЯСКАДА СУВ ТОШҚИНИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 август. (ТАСС). Сўнгги тўрт кун давомида ёғиб ўтган сел натижасида Фэрбенкс шаҳрида (Аляска штати) мисли кўрилмаган сув тошқини юз берди. Шаҳар кўчаларини, уйларнинг биринчи қаватини, автомобиллар тўхтайдиган жойларни сув босди. Чина дарёси тошган, шаҳарнинг марказий қисмидаги биноларнинг 60 процентини сув ювиб кетди. Шаҳар кўчаларида сувнинг сатҳи 5 футдан ҳам юқори кўтарилди.

Табиий офат районига АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг вертолётлари жўнатилди.



Антонин Ирачек
(чех ёзувчиси)

ЗИДДИЯТНИНГ САБАБИ

— Ҳа, ўртоқлар, зиддият менинг ҳаётимда кам учрайдиган нарса бўлса ҳам, лекин у менинг онламда пайдо бўлиб қолди. Ҳаммасига айбдор бувим.

Завод клубида олдига бир стакан қаҳва қўйиб ўтирган Пилоус шундай сўз бошлади:

— Ўзларинг бир ўйлаб кўринглар-а, ўртоқлар, диалектик материализм нималигидан тариқча хабари бўлмаган етмиш яшар кампир болаларимни тарбия этишига йўл қўйишим мумкинми, ахир? Мана, сен ўртоқ Хаудек, ҳамма нарсага одилона қарайсан, бу гапимга нима дейсан?

Хаудекнинг хаёли паришон эди. У ўртоғининг бувиси ҳақида тўсатдан бир нима деб юборишга ботинолмай, бироз ўйланиб турди-ю, ниҳоят қўлидаги стаканларни столга қўйди.

— Ўша, бувингиз,— деб бамайлихотир жавоб берди у,— сизларнинг онлангизнинг фахри-ку. Сиз бемеҳрлар унинг соясига кўрпача солишингиз керак, халақит берма, гапириб бўлгунимча қўйиб бер! Иккаланғиз ҳам ишлик одамсизлар, фақат кечқурун тайёр дастурхон олдига келиб ўтирасизлар-у, болаларингизни ҳам аҳёнда бир эркалаб қўясизлар. Агар бувиларингиз бўлмаганда ҳолингиз нима кечарди?

— Шундай дейсан-ку, лекин шоҳ Горох замонида бир синфни тугатган муккайган кампир болаларга нималарни ҳам ўргата олардн?— Ўз сўзини тасдиқлади Пилоус.— Унинг қизи — менинг хотинимга ўргатаётган дунёқарашлари ҳозирги ҳаётга мос келмайди! Мана сен, ўртоқ Менцл, ён қўшнимизсан, юқорида айтилган бувини яхши танийсан. Тағин ўзинг ўқимишли одамсан. Менинг қайнонам қолоқ эканлигини исботлаб бер, буларга.

Менцл ажойиб нарса эсига тушгандек, ғалати жилмайди-да, кўзларини пирпиратиб секин гапирди:

— Сизнинг бувингиз нақ мени онамнинг ўзгинаси. Меҳнаткаш, очиққўл... Менинг онам ҳам бир синфни тугатган. Аммо уларга мактаб ўргатмаган нарсаларни ҳаёт ўргатган. У жуда ақлли одам эди, ундайларни қидириб ҳам тополмайсан...

— Ақлли одаммиш!— қизишди Пилоус.— Бу мужмал, тушунча Замонавий бува, ҳозирги тарихий даврда идеологик тоблантан бўлиши керак. Менинг бувим бўлса ҳадеб идеологизм платформасида

ҲАЖВИЯ

тентирайди. Агар у болаларимга шаҳзодалар, маликалар ва шаҳаншоҳлар ҳақида ҳикоя қилиб бераётганини эшитганингизда эди! Бу — феодалларни мадҳ этишни қатъиян ман қилиб қўйишга тўғри келди. Албатта, менинг хотиним, унинг қизи бувининг томонига ўтиб олди. Аммо иложим қанча! Ўртоқлар, қайси биринглз фарзандларингиз тарбиясида социалистик жамият принципларидан оғишга йўл қўясиз?

— Ҳм,— гапга аралашди завод клубининг мудири Коубек,— сен ҳаётга панжа орасидан қарар экансан, Пилоус. Биз ҳам болаларимизга эртаклар айтиб берамиз. Худди мана шу дам олиш куни «Малика Гулой»ни кўрсатишди. Биласизми, ўзим ҳам роса қизиқиб кўрдим. Нима қилибди? Болалигимизда бундай эртакларни юзлаб эшитганмиз. Ўзинг ҳам, Пилоус, уларни эшитгансан. Бу турган гап. Хўш?.. Реакционер бўлиб кетдингми?

— У пайтларда мутлақо бошқача тарихий вазият эди-да,— ҳимояга ўтди Пилоус.— ҳодисаларнинг рўй берган даври ва содир бўлган жойидан ташқарида баҳолаш мумкин эмас. Онгимдаги эволюция мени жуда ўзгартириб юборди. Бувим-чи? У ҳатто бўш вақтларида ҳам «Капитал»ни бундай варақлагиси келмайди.

Бир дақиқа жимлик чўкди. Ҳамма бир-бирига сўзсиз қараб олди. Пилоус пайтдан фойдаланиб сўзини фалсафий қилиб якунлади:

— Одамларнинг дунёқараши ва идеясини ўзгартиришга уларни ўраб турган шарт-шароитларни алмаштириш орқалигина эришиш мумкин.

—Бу билан нима демоқчисан?— бир овоздан сўрашди стол атрофида ўтирганлар.

— Мен ўзимга янги шароит яратиб олмоқчиман, демак, хотинимдан ажралишим керак,— деб совуққонлик билан жавоб берди Пилоус ва қўшиб қўйди:— Мен жуда ҳам онгли кампир-онаси бўлган аёлни учратдим ва унинг...

— Мана! Унинг сўзини кескин бўлди Коубек.— Кўрдиларингми, зиддиятнинг сабаби қаерда экан?

Пилоус, ҳамма ўзига тикилганини ва унга таъна билан қараётганларини сезарди. Ғазабдан энтикиб, титраётгандек, дудуқлана-дудуқлана гап бошлади:

— Ҳар ҳолда онла, бу жамиятнинг бошланғич ўчоғи эканлигини биламан. Лекин бувим шуни билмайди-да, ахир! У буларни ўқимаган-да, ахир. Қандай қилиб улар билан туришим мумкин?..

Хоудек, Менцл ва Коубеклар унинг сўзларига қулоқ солишмасди.

Русчадан Л. ПАРПИХЎЖАЕВ таржимаси.

ЛЕНИН номли Қизил майдон тез суръатлар билан реконструкция қилинмоқда. Бинокорлар Қизил майдоннинг биринчи навбатини Улуғ Октябрь байрамигача фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Бугунги меҳнат олинган юксак мажбуриятга яраша бўлаяпти. Ушбу суратда Қизил майдоннинг бўлажак жамоли тасвирланган.

М. Нуриддинов фоторепродукцияси.

Из ма-из

РАҲМАТ, ЎРТОҚ ШОФЕР

Биринчи маршрутда ишлайдиган автобус шофери В. Киселёв «Ташавтомаш» ишчилар посёлкасига келиб тўхтади-да, нонуштага отланди. У овқатга чиқиш олдидан кассалардаги билетлар номерини ёзиб олаётганда орқа ўриндиқдаги папкага кўзи тушди. Уни очиб кўрди. Ичидан студентлик билети, зачёт дафтарчаси ва 60 сўм пул чиқди.

— Нима қилиш керак? Бироз пойласам, эгаси келиб қоларми-кан?

У ана шу ният билан топилма эгасини кутди. Ҳа деганда ундан дарак бўлмагач, диспетчерга олиб бориб топширишга қарор қилди. В. Киселёв папкани диспетчер ҳонасига олиб келганда бу ерда бир йигит турарди.

Тошкент политехника институти энергетика ва автоматика факультетининг студенти Н. Шукуров шофер В. Киселёвдан бекад ҳурсанд бўлди.

Ҳ. ҲАМРАЕВ.

Пиёда юрувчилар „шоҳи"

Ўрта яшар, кўк кўз бу йигит ҳамсуҳбати билан жуда тезда иноқлашиб кетади. У Минусинск кўчалари бўйлаб ўтиб борар экан, қадимий Сибирь шаҳарининг тарихий ёдгорликларини қизиқиш билан томоша қиларди. Н. Мартьянов номидаги тарихий музей экспонатлари олдида соатлаб тўриб қоларди.

Бу киши ким бўлди экан?

...Унинг соғлиги кун сайин оғирлаша борди. Навбатдаги медицина кўригидан кейин фарғоналик врачлар қатъий бир қарорга келишди: Василий Жарков биринчи группа инвалиди. Ингирма ёшда ногирон бўлиб қолиш нақадар оғир. Кунларнинг бирида даволовчи врач Василийга шундай деди:

— Йигитча, сизга кўпроқ ҳаракат қилишни, соф ҳавода кўпроқ бўлишни маслаҳат қиламан. Менимча, бу сиз учун энг яхши даво бўлади. Ўшанда Василий миясида бир фикр туғилди. Мамлакат бўйлаб саёҳатга отланди.

Унинг ён дафтари муқовасига босмахона харфи билан йирик қилиб: «СССР ҳаваскор туристи пиёда юрувчилар «шоҳи» Василий Фёдорович Жарковнинг маршрут дафтарчаси. Саёҳат 1963 йилнинг 1 январида бошланган, 1968 йилнинг 1 январида якунланади» деб ёзиб қўйилган.

Василий Жарков уйининг остонасидан хатлаб йўлга чиққанига тўрт ярим йилдан сал ошди. У ана шу давр мобайнида 82 минг километр йўл юрди. Пиёда юрувчилар «шоҳи» Болтиқ бўйида, Кольск ярим оролида, Кавказ тоғларида, Қрим, Врянск, Томск... ва бошқа жойларда бўлди.

Юқорида биз Василийнинг биринчи группа инвалиди ва заиф эканлигини таъкидлаб ўтган эдик. Ҳозир у ўзини жуда бардам сезяпти.

Пиёда юрувчилар «шоҳи» Красноярск ўлкасига қараб йўл олди. У Дивногорск, Красноярск, сўнгра Енисей бўйлаб саёҳат қилади. Ундан кейин Норильск, Дудинк шаҳарларига боради.

— Кейин нима бўлади?

— Кейин Ватанимиз пойтахти Москвага бораман,— дейди Василий Жарков.— У ердан Ялтага ўтиб, сафаримни тугатаман. Кейин уйга—Фарғонага қайтиб бораман.

...В. Жарков жонажон мамлакат бўйлаб сафар қиляпти. Йўлда у холис хизмат қилмоқчи бўлган шоферлар таклифини қатъиян рад этаяпти. У 100 минг километр масофани пиёда юриб ўтишга аҳд қилган (АПН).

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

Милиция ходимлари «бах» сўзидан яралаётган исм ва фамилиялар рўйхатини тузиб чиқишди. Фақат шу асосда кидирувга киришиш мумкин эди. Энг яхши дружиначилар, жамоат вакиллари бу ишга жалб этилди. Пухта тузилган оператив план асосида олиб борилган қидирув ишлари икки ой деганда ўзининг ижобий натижасини кўрсатди.

Қотил «Бах» Баҳодир Шомансуров бўлиб, у Ленин район Ховос кўчасидаги 79-уйда яшар экан. Лекин қотил жиноят содир қилгач, мазкур адресдан чиқиб кетган. Шунда ҳам бўлса калаванинг учи топилди. Чукур текшириш натижасида қотил Баҳодир Шомансуровнинг ҳақиқий башараси очилди. Баҳодир ёшлигида эрка ўсган. Кўчама-кўча санқишга ўрганган. Меҳнатга бўйин эгмаган. Қилмиши ўгрилик, безорилик бўлган.

У бир неча марта қамалиб чиққан. Қотил беозор, меҳнатсевар Юрий Платонов билан танишгач уни ҳам ўзидек ўгриликка, безориликка ундайди. Лекин Юрий Баҳодирнинг таклифини рад этиб ундан юз ўгиради. Кейин...

Масала равшан. Энди қотилни бутун чоралар билан излаш ва топиш керак. Лекин у қаерда яширинб ётибди, буни ҳеч ким билмасди. Бу хавфли жиноятчини қўлга тушириш учун жуда кўп жиноий қидирув органлари ишга тушди. Бироқ қотил ҳа деганда қўлга тушавермади. Вақт ўтиши билан иш мушкуллашаверди. Доғули жуда усталик билан ниқобланиб яшириниб юрарди. У соч-соқол қўйиб, ташқи қиёфасини, ҳатто муомаласини, хулқ-атворини, юриш-туришини ҳам, исм ва фамилиясини ҳам ўзгартириб хотиржам юрарди. Жиноий қидирув ходимлари олдида ана шундай ниқобга ўралган айёрни ушлаш вазифаси турарди.

Орадан икки йил ўтди. Лекин қотилдан дов-дарак йўқ. Милиция ходимлари эса ҳамон уни тутиш чора ва тадбирларини амалга оширишарди. Улар қотилни кимларнинг олдига келиб тунлари номаълум бир шахс туриши ва тунаши мумкин бўлган шубҳали жойларга ҳалқ милицияси ишига содиқ бўлган ҳушёр дружиначилар, жамоат вакилларини тайинлаб қўйишди. Улар билан яқиндан алоқа боғлаб, йўл-йўриқлар бериб туришди. Ниҳоят бундан икки-уч ой муқаддам милиция бўлимига шундай хабар келди:


— Диэт кўчасидаги 34-уйда тунлари номаълум шахс пайдо бўлиб қолди, — хабар беришди дружиначилар.

— Кузатиш керак. Бу ўша қотилмасмикин,— дейишди милиция ходимлари.

Дарҳол Ш. Умаров бошчилигида А. Расулов, Э. Жўрабоев, Ф. Исломов ва У. Абдуғаниев ўртоқлардан иборат оператив группа тузилди. Улар зудлик билан қўлга чиқишди. Жиноятчи хавфли шахс. У қуролланган, шиқаст етказиши мумкин эди. Шунинг учун вазият ниҳоятда эҳтиётлик билан иш кўришни тақозо қиларди. Милиция ходимлари шубҳали шахс ётган уйнинг атрофини ўраша ди. Ҳушёр кўзлар қотил ўтирган хонага қадалди. Ҳудди ўша «Бах»нинг ўзи. Ана, ўртоғи билан қадаҳ уриштиряпти, карта ўйнаяпти, ухлашга ҳозирланяпти...

Соат учдан ошди. Қотил бамайлихотир пинакка кетди. Команда берилиши билан милиция ходимлари аста-секин деворлан ичкарига ошиб тушабошлашди. Қотил ётган хона эшиги зарб билан очилди. Биринчи бўлиб У. Абдуғаниевнинг забардаст қўллари қотилнинг гирибонига тушади. «Бах» жон ҳолатда ёнидаги қуролга ёпишди. Лекин энди унинш бефойда эди. Унинг қалтираган панжалари ёйилиб, қурол полга тақ этиб тушди.

М. ИБРОҲИМОВ,
Р. ХЎЖАМОВ.



ТОШКЕНТдаги гидрология ва инженерлик геологияси институтининг ходимлари кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Суратда: тўртламчи геология лабораториясининг мудири геология-минерология фанлари кандидати А. Исломов ва шу лабораториянинг илмий ходими Т. Қам бариддинова ўртоқлар лабораторияга келтирилган геология намуналарини кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОКЕАНЛАРДАГИ „ВАКИЛЛАРИ"

Ўзбекистондан ҳар қандай океангача масофаси деярли бир хил, ниҳоятда узоқ йўл босиш керак. Лекин бу океанларнинг ҳар бирида республика ўз «вакиллари»га эга. Булар — Ўзбекистон ССРга боғлиқ ном берилган совет денгиз кемаларидир.

Республикада биронта йирик шаҳар йўққи, денгиз ёки океан пайнерларининг бортига унинг номи ёзилмаган бўлса. «Тошкент», «Андижон», «Фарғона», «Самарқанд», «Бухоро», «Термиз», «Урганч» кемалари океан сувларида сузмоқда. Одесса портида «Марғилон» кемаси, Рига портида «Қўқон» кемаси қатнаб турибди. Каспий денгизида «Янгийўл», Азов денгизида «Наманган» кемаси сузиб юрибди.

Республика жамоатчилигининг кемалар экипажлари билан алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти кемаларга Ўзбекистон тўғрисида минглаб китоб ва брошюралар, шаҳарларнинг кўринишн акс эттирилган открнткалар, грампластинкалар, фотосуратлар ва ёдгорликлар жўнатди. Республикадаги корхона ва ташкилотларнинг коллективлари ҳам совғалар юбормоқдалар. Бу материалларнинг ҳаммаси денгизчиларга чет мамлакатларнинг аҳолисини Ўзбекистон билан таништиришга ёрдам бермоқда.

„ВАКИЛЛАРИ"

Кемаларни оталикка олувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Республика комсомоли «Комсомолец Узбекистана» теплоходи билан «қон-қардош» бўлиб қолди. «Узбекистан» теплоходининг ҳатто иккн «қариндоши»— «Совет Узбекистони» республика газетаси редакцияси билан «Ўзбекистон ССРнинг беш йиллиги» совхози пайдо бўлди. Тошкент областидаги Оржоникидзе район ижроия комитети «Оқтош» танкерини оталикка олди. Ўзбекистон шаҳарларининг номи қўйилган кемаларни шу номдаги шаҳар ижроия комитетлари оталиққа олганлар. (ЎзТАГ).

ФУТБОЛ

КУЧЛАР ЯНА ТЕНГ

Футбол майдонидаги эски рақиблар — «Қайрат» ва «Пахтакор» командалари 15 августда Қозоғистон пойтахтида ўзаро учрашдилар. Бу — командаларнинг олий лигадаги ўнинчи баҳси эди. Бунгача иккала рақиб ҳисобида уч ғалаба ва уч дуранг бор эди. Бу сафар ҳам томошлар оранн очиқ қилолмадилар. Ўйиннинг 37-минутида Красницкий оширган штраф тўпини Солохо дарвозага йўналтириб, «Пахтакор»ни олдинга олиб чиқкан бўлса, Сегизбоев 51 минутда олисдан нишонни аниқ олиб, Пшеничников дарвозасита жавоб тўпи киритди.

Учрашувнинг охирлари майдон эгаларининг кучли ҳужуми билан ўтган бўлишига қарамай, 1:1 ҳисоби ўзгармади.

Шу куни ЦСКА — «Крылья Советов», «Зенит» — «Динамо» (Минск) ўйинларида ҳам дуранг натижага эришилди. Бу учрашувларда ҳисоб очилмади. «Арарат» командаси «Нефтяник»ни, Москва торпедочилари эса «Локомотив»ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Киев динамочилари «Черноморец»ни қабул қилиб учрашув нинг сўнгги минутида ягона тўп урдилар ва икки очкони қўлга киритдилар. «Шахтёр» ўз майдонида Ростовнинг Армия спорт клуби командасидан енгилди (0:1). Икки грузин командаси — Тбилиси динамочилари билан Кутаиси торпедочилари ўртасидаги учрашув тбилисилик футболчилар фойдасига 2:0 ҳисобида тугади.

16 август куни шу турнирнинг сўнгги ва энг қизиқарли учрашуви бўлиб ўтди. Москванинг машҳур икки командаси — «Спартак» ва «Динамо» беллашди. Томошлар ҳимояга кўпроқ эътибор бериб ўйнашлари оқибатида ҳисоб очилмай қолди (0:0). Бугун командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
«Динамо» М.	21	38—11	32
«Динамо» К.	21	25— 9	29
«Динамо» Тб.	21	30—14	28
«Спартак»	21	27—16	26
«Шахтёр»	21	25—24	25
«Нефтяник»	21	34—22	23
«Динамо» Мн.	21	29—21	23
«Кр. Советов»	20	12— 8	22
«Торпедо» М.	21	25—26	22
СКА	21	20—24	22
«Арарат»	21	18—23	19
«Заря»	20	14—16	18
ЦСКА	20	18—22	18
«Пахтакор»	21	19—23	17
«Торпедо» Кт.	21	19—29	16
«Локомотив»	21	15—24	14
«Қайрат»	21	15—31	14
«Черноморец»	21	13—29	14
«Зенит»	21	14—38	13

* * *

«Политотдел» футболчилари ҳам кейинги турда бир очко олишди. Улар ўз майдонида Хабаровскнинг Армия спорт клуби футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнадилар.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телеянгиликлар**, 18.20 — **Ҳамма нарсани билишни истайман** (тележурнал), 18.55 — **Халқ контроли қаранатда**. 19.15 — **Бадиий фильм**, 20.50 — **Эшиттиришлар программаси**.

Ўзбек тилида: 20.55 — **Телеянгиликлар**, 21.15 — **Ер ва эл**, 21.50 — С. Абдулла. **Қалб тароналари**, 22.25 — Ярим аср йилномаси. **Ўзбек киносининг илк қадамлари**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телеянгиликлар**, 18.20 — **Концерт**, 18.55 — **Уч денгиз оша** (бадиий фильм, 1-серияси).

20.00 дан — **Москва кўрсатади**.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — **Олмаота телестудиясининг эшиттиришлари**.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30 — **Эшиттиришлар программаси**, 19.35 — **Қаҳрамон пионерлар** (болалар учун), 19.55 — **Ҳиндистоннинг ҳозирги замон прозаси**.

Рус тилида: 20.15 — **Концерт**, 21.10 — **Бадиий фильм**.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/VIII да **Нурхон**, 19/VIII да **Ғаввари шамчироқ**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Катта шаҳар — «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Симладаги муҳаббат — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Розмари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда)

Иванов тунидаги оловлар — «ХИВА».

Қишлоқ ўқитувчиси — «РАКЕТА».

18-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1967/68 ўқув йилига
Ўқувчилар қабул қилади

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди:

металлар бўйича токарлар (ўқиш муддати — 1 йил), **металлар бўйича токарлар, автомобиль ремонти бўйича слесарлар, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарлар, мебелчи-дурадгорлар** (ўқиш муддати 2 йил), **механик йиғма ишлари слесарлари** (ўқиш муддати — 1 ярим йил).

15 ва ундан катта ёшдаги, 8-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар **3 марта иссиқ овқат, нийим-бош**, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар ариза, мактабни тамомлаганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойидан ва соғлиги ҳақида справкалар, характеристика, олтита фото сурат топширадилар.

Паспорт ёки метрика шахсан кўрсатилади.

Аризалар 25 августгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Янгийўл шаҳри, Туркман боғи.

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» НИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

пайвандчи-арматурачи, йиғувчи-слесарь.

Ўқиш муддати — 3 ой.

Ўқувчиларга стипендия берилади.

Ўқишни тамомлаган кишилар «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг қурилиш материаллари комбинатларига ишга юборилади.

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Комсомол 40 йиллиги» кўчаси, 15-уй (4-автобуснинг «20 поликлиника» тўхташ жойи).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05600.
Индекс 64970
А. 1725.